

**Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги
Тошкент Давлат Юридик Инститuti**

Кафедра: Конституциявий ҳуқуқ

Курс иши

***Мавзу: Ўзбекистон Республикасида сайлов институтининг
ривожланиш тенденцияси***

**Бажарди: Таджибаев Б. “1 ҳуқуқ” факультети
1 курс “А” поток 2 гуруҳ талабаси**

Текширди: ю.ф.н. И.Р.Беков

Мундарижа

Кириш.....3

I боб. Ўзбекистон Республикаси сайлов ҳуқуқининг ривожланиш тарихи

1.1. Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқини шаклланиши ва ривожланиши.....5

1.2. Конституциявий давлат тузумига мос бўлган сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг яратилиши.....14

1.3. Сайлов ҳуқуқи-фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқи сифатида.....20

II боб. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий сайлов қонунчилигимизда акс этиши

2.1. Халқаро сайлов принципларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигида акс этиши.....23

Хулоса.....27

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....27

К и р и ш

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги сайлов қонунчилиги тизими яратилди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг янги сайлов қонунчилиги тизими нафақат бевосита сайлов тўғрисидаги қонунларни, балким сайловларга бевосита таалукли яна бир қатор қонунларни ўз ичига олади.

Янги сайлов қонунчилиги тизимига қайси қонунлар киради?

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси киради. Конституция- сайлов қонунчилиги тизимининг ўзагини, ядросини ташкил этади.

Сайлов қонунчилиги тизимига, иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонун; учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун; тўртинчидан, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонун; бешинчидан, Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонун; олтинчидан, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун киради.

Санаб ўтилган бешта қонун бевосита сайловларга бағишланган қонунлардир. Уларни бевосита сайлов тўғрисидаги қонунлар деб аташ мумкин.

Бундан ташқари сайлов қонунчилиги тизимига яна бир қатор бошқа қонунлар киради. Бу иккинчи гуруҳ қонунларнинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети бевосита сайловлар бўлмасада, улар сайловларни у ёки бу жиҳатларини тартибга солади. Бундай қонунлар жумласига қуйидагилар киради: “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонун, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят Кодекси, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун, “Фуқароларнинг ўзини-

Ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун, “Прокуратура тўғрисида”ги қонун, Фуқаролик процессуал Кодекси. Яна шу каби бир қатор қонунларни сайлов қонунчилиги тизимига киритиш мумкин.

Демак, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тизими икки гуруҳ қонунлардан ташкил топади: биринчиси, Конституция ва бевосита сайлов тўғрисидаги қонунлар; иккинчиси, у ёки бу жиҳатдан сайлов масалаларини тартибга соладиган қонунлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов тизимига бағишланган махсус XXIII боб бор ва у “Сайлов тизими” деб номланади. Бундай боб кўпгина давлатлар Конституцияларида йўқ. Сайлов ҳуқуқига бағишланган Конституциянинг 117-моддаси катта ижодий салоҳиятга эгадир. Бу модда маълум шароитлар етилганда тегишли қонунлар қабул қилиш йўли билан ҳаракатга келтирилмоқда.

I боб. Ўзбекистон Республикаси сайлов ҳуқуқининг ривожланиш тарихи

1.1. Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқини шаклланиши ва ривожланиши

Демократик давлатнинг ҳокимият идораларини шакллантиришда сайлов муҳим аҳамиятга эга. “Сайлов” ўз мазмунига кўра бирон-бир органни (давлат, жамоатчилик, ҳалқаро ва ҳоказолар) овоз бериш йўли билан шакллантириш демакдир. Сайлов ўзининг моҳиятига кўра шундай демократик жараёнки унда халқ ҳамда унинг вакиллари қонунда белгиланган тартибда ҳокимиятини бошқаришга кимни қўйиш ёки четлатиш масаласини ўзи мустақил ҳал этади. Албатта нодемократик давлатларда ҳам сайловлар ўтказилади, лекин одатда формал характерга эга бўлади. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 2-моддасига кўра “давлатнинг асосий ҳокимияти бу халқнинг иродасидир.”

Ҳозирги даврда демократик сиёсий тартиб жорий қилинган мамлакатлар сиёсий-ҳуқуқий тизимининг асосий қондасига айланган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ўзининг узоқ ўтмишига эга. Давлатнинг алоҳида ваколатга эга бўлган айрим органларини ва мансабдор шахсларини сайлаш қадимги даврларда Хитой, Хиндистон, Афина, Рим каби мамлакатларда расм бўлган. Ўрта асрларда Франция, Германия, Болгария, Сербия каби мамлакатларда давлат бошлиқлари сайлаш йўли билан ҳокимият тепасига келганлар. 1295 йилдан бошлаб Англия парламенти, XVI асрда Польша сейми, Россия земский собори қуйи палаталарининг аъзоларини сайлаб қўйиш тартиби жорий қилинган. Қадимги даврларда ва ўрта асрлардаги сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ҳақида сўз борганда, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бундай ҳуқуқ чекланган бўлиб, ундан фақат эркин кишилар, мулкдорлар ва аслзодалар фойдаланганлар.¹

¹И.Р.Беков, Ш.А.АббосхўжаевСиёсий партиялар ва Президент сайлови. –Т.: ТДҲОИ нашриёти, 2007. –50 б

XVI асрга келиб Европа мамлакатларида шакллана бошлаган капиталистик ишлаб чиқариш усули буржуа инқилобларини амалга ошириш учун зарур бўлган объектив ва субъектив шарт-шароитларнинг яратилишига имконият туғдирди. Буржуа инқилоблари арафасида, уларни амалга ошириш жараёнида фаоллик кўрсатган ижтимоий-сиёсий кучлар талаби асосида бир қатор мамлакатларда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан фойдаланувчилар, сайлаб қўйиладиган давлат органлари ва мансабдор шахслар доираси кенгайтирилди.²

Бевосита мамлакатимиз ҳудудида сайлов ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида сўз кетганда, шуни кайд этиш лозимки, алоҳида мансабдор шахсларни сайлаш қадим даврларда ҳам, ўрта асрларда ҳам расм бўлган. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудини ўз ичига олган Хунлар, Турк хоқонлиги, Қорахонийлар ва кўчманчи ўзбеклар давлатларида давлат бошлиқлари жамиятнинг ҳукмрон доиралари вакилларида ташкил топган курултойлар ёки кенгашлар томонидан сайланган, бу вакиллик тизимлар давлат бошлиғининг ваколатларини маълум даражада чеклаган, мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширган.³

Туркистон Чор Россияси томонидан босиб олингач, бу ўлкада амалга оширилаётган мустамлакачилик сиёсатини бекам-кўст амалга оширишга қарши қаратилган сиёсий-ҳуқуқий тартибларга тобора кучайиб бораётган туб аҳолининг норозилигини сусайтириш, бу ерда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда маҳаллий халқлар вакилларида фойдаланиш мақсадида халқ судьялари ва оқсоқолларни сайлаш тартиби жорий қилинган. Лекин сайлов натижалари вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари томонидан тасдиқланган тақдирдагина сайлов ҳақиқий ҳисобланган. 1888 йилда Тошкент шаҳрига “ўз-ўзини бошқариш” ҳуқуқи берилган. Тошкент шаҳар думасига сайловлар

²О.Турғунов, И.Беков Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунига шарҳ. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – 56 б
³И.Р.Беков, Ш.А.АббосхўжаевСиёсий партиялар ва Президент сайлови. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. –80 б

ўтказилган. Думага сайловларда қатнашувчилар мулкӣ ҳолатига қараб уч гуруҳга: 1) кўп миқдорда солиқ тўловчилар-бойлар, юқори табақага мансуб руҳонийлар, юқори маъмурлар ва йирик савдогарлар; 2) ўрта ҳоллар - ер эгалари, судхўрлар ва оддий маъмурлар; 3) қуйи табақа вакиллари - майда савдогарлар ва ер эгаларига бўлинган бўлиб, шахснинг мулкӣ ҳолати унинг сайловда қандай ўрин тутишини белгилаб берган. Етарлича мулкка эга бўлмаган ишчилар ва хунарамандлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Тошкент шаҳар Думаси 72 нафар аъзосининг учдан икки қисми шаҳарнинг рус аҳолиси яшайдиган ҳудуддан сайланарди. Дума аъзолигига сайланадиган маҳаллий аҳоли вакилларининг рус тилини биладиганларига имтиёз бериларди. Бундан ташқари, Дума аъзоларидан сайланадиган шаҳар идорасининг 6 аъзосидан албатта 4 таси рус ва 2 таси бошқа миллат вакили, Дума томонидан сайланадиган шаҳар бошлиғи албатта рус бўлиши шарт эди.⁴

XX аср бошларида инқилобий-демократик ҳаракатнинг кун сайин кучайиб боришидан ташвишга тушган Чор ҳуқумати мамлакатнинг сайлов тизимида айрим ўзгаришлар қилишга мажбур бўлган. 1905 йилнинг 6 августида Давлат Думасини ташкил қилиш ҳақида Манифест ва Давлат Думасига сайловлар ҳақидаги Низом эълон қилинди. Низом бўйича Давлат Думаси аъзолари ер эгалари, шаҳарлик сайловчилар ва деҳқонларнинг курултойларида сайланиши, деҳқонлар учун тўрт поғонали сайловлар жорий қилинган. Хотин-қизлар, 25 ёшга тўлмаган фуқаролар, харбий хизматчилар, ўқувчилар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган. 1905 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида кучайиб кетган сиёсий воқеалар тазйиқи остида ўша йилнинг 17 октябрида эълон қилинган подшоҳ манифестида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган “барча синфларга” янги ташкил этиладиган қонун чиқарувчи орган

⁴Д.Ахмедов, Ш.Асадов Сайлов ҳуқуқига оид изоҳли луғат. –Т.: ТДЮОИ нашриёти, 2007. – 40 б.

Давлат Думасига бўладиган сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини бериш ваъда қилинган.

1907 йилнинг феврида Давлат Думасига сайловлар бўлиб ўтган ва кечроқ бўлсада, туркистонликлар сайловларда қатнашиш ҳамда Давлат Думасига ўз вакиллари юборишга муваффақ бўлганлар. Лекин большевиклар ва деҳқонлар вакиллари помещикларнинг ерларини деҳқонларга тақсимлаб беришни талаб қилиб чиққанликлари учун 1907 йилнинг 3 июнида Давлат Думаси подшоҳ томонидан тарқатиб юборилган. Шу вақтда подшоҳ Давлат Думасига сайловлар ҳақидаги қонунни эълон қилган. Мазкур қонунга биноан, Туркистон ўлкасининг аҳолиси сайлов ҳуқуқидан бутунлай маҳрум этилган эди.

Чор ҳукуматининг сайлов соҳасидаги Туркистонликларга нисбатан олиб борган мустамлака сиёсати маҳаллий халқларнинг кескин қаршиликка учраб, ўлканинг бир қатор шаҳарларида иш ташлашлар, халқ ғалаёнлари бўлиб ўтган. Маҳаллий матбуот саҳифаларида Чор ҳукуматининг сайлов соҳасидаги олиб бораётган сиёсатини қораловчи мақолалар эълон қилинган. Шунга ўхшаш ҳаракатдан чўчиган Чор ҳукумати 1917 йил арафасида Олмаота, Самарқанд, Наманган ва бошқа бир қатор шаҳарларда шаҳар думасига сайловлар ўтказишга розилик берган. 1917 йил феврал инқилобидан сўнг Туркистон ўлкасида, Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлигида вакиллик органларига сайловлар ўтказиш учун ҳаракат бир мунча фаол тус олган ва 1917 йилнинг ёзида Тошкент шаҳар думасига кўппартиявийлик асосида сайлов ўтказилади, унда ўн бешдан ортиқ партиялар ва бошқа ижтимоий ташкилотлар иштирок этган.⁵

1924 йилда Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши натижасида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топди.

⁵Сабилов, Абдуламит Бекматович. Основные принципы избирательного права в развитых демократических странах (сравнительный анализ): Дис. ... канд.юрид.наук/ Абдуламит Бекматович Сабилов; АН РУз,Ин-т.философии и права им.И.М.Муминова; №04.94.00017008. - Т, 1994. - 125 с

1927 йил 30 мартда Ўзбекистон ССР советларининг II Курултойида қабул қилинган Конституцияга биноан, сайлов кунигача 18 ёшга тўлган барча фуқароларга диний эътиқоди, миллати, ўтроқлиги ва ҳоказолардан қатъий назар сайлов ҳуқуқи берилган. Конституция бўйича фойда олиш мақсадида ёлланган меҳнатдан фойдаланувчи шахслар; меҳнат қилмай топилган даромадлар, чунончи, капиталдан олинган даромадлар, мулкдан ва ҳоказолардан тушадиган тушумлар ҳисобидан яшовчи шахслар; хусусий савдогарлар, савдо ва тижорат воситачилари; диний муассасаларнинг вакиллари ва руҳонийлар; собиқ полициянинг, жандармлар алоҳида корпусининг ва соқчи бўлимларининг хизматчилари ва агентлари, собиқ маҳаллий маъмурий идораларнинг хизматчилари, овул ва қишлоқ оқсоқоллари, бўлис ҳокимлари; Россияда подшоҳлик қилган хонадонларнинг аъзолари, собиқ Бухоро амири ва Хева хони ҳамда уларнинг барча яқин қариндошлари, шунингдек, собиқ Россия империясининг полицияси, жандарм ва жазо органлари фаолиятига раҳбарлик қилган шахслар ҳамда собиқ Бухоро амирлиги ва Хева хонлигининг барча амалдорлари; руҳий касал деб топилган шахслар; суднинг ҳукми билан ёки юқори органларнинг алоҳида қарори билан сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар. 1937 йил 14 февралда Ўзбекистон ССР Советларининг Фавқулодда VI Курултойида қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституцияга мувофиқ ёши сайлов кунигача 18га етган барча фуқароларга ўтмишда қандай иш билан шуғулланганлигидан қатъий назар, сайлов ҳуқуқи берилган.

1978 йил 19 апрелда Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи чақириқ олтинчи фавқулодда сессиясида қабул қилинган Конституцияга ва унга киритилган ўзгартиришларга биноан, Ўзбекистон ССР фуқароларига халқ депутатлари Советларига ва сайлаб қўйиладиган бошқа давлат органларига бўладиган сайловларда қатнашиш ва уларга сайланиш ҳуқуқи берилган; барча халқ депутатлари Советларига депутатлар сайлови сайлов

округлари бўйича умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши; депутатлар сайлашнинг умумийлиги, Ўзбекистон ССРнинг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Конституцияда депутатларни сайлашда тенглик: Ҳар бир сайловчининг бир овозга эгаллиги, ҳамма сайловчилар сайловда тенг асосда иштирок этиши депутатларнинг тўғридан-тўғри сайланиши, уларни сайлашда, яширин овоз берилиши, сайловчиларни ўз истакларини билдиришини назорат қилишга йўл қўйилмаслиги; депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи меҳнат жамоаларига, жамоат ташкилотлари, олий-ўқув юртлири талабалари билан биргаликда ўқитувчилар ва хизматчилар жамоаларига, истиқомат жойларида сайловчилар йиғилишларига ва харбий хизматчилар йиғилишларига берилиши; депутатликка номзодлар сонининг чекланмаслиги, сайлов олди йиғилишининг хар бир қатнашчиси муҳокама қилиш учун хар қандай номзодни, шу жумладан ўз номзодини таклиф қилиши мумкинлиги; сайлов бюллетенига исталганча номзод киритилишига йўл қўйилиши; сайловга тайёргарлик давомида округ сайловчилар вакилларининг анжуманлари ўтказилиши мумкинлиги; сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг давлат ҳисобидан бўлиши; сайловларни ўтказиш тартиби ва кафолатлари ҳақидаги қоидалар ўз аксини топган.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб шуни қайд қилиш мумкинки, 1917 йил 7 ноябр давлат тўнтаришидан Республикамиз мустақилликка эришгунгача бўлган даврда сайлов ҳуқуқи соҳасида катта ўзгаришлар рўй берди, бу ҳуқуқдан фойдаланувчилар доираси йилдан-йилга кенгайиб борди. Уни амалга ошириш тегишли қонунларда ўз аксини топди.⁶

Лекин Конституцияга биноан, мустақил деб эълон қилинган СССР таркибига кирган республикалар, шу жумладан Ўзбекистон ССР ҳам сайлов

⁶Гончарук В.П. Особенности трансформации избирательной системы современности : Автореф...канд. полит.наук/ В.П.Гончарук; Киевский нац. ун-т им. Тараса Шевченко . - Киев, 2001. - 16 с. - Тит. л. на укр.яз. - Библиогр.:с.16-14.

хуқуқи соҳасида ҳеч қандай мустақилликка эга эмас эди. Сайлов билан боғлиқ барча қоидалар марказдан белгиланган, республикаларнинг конституцияларида ва сайлов ҳақидаги қонунларида бу қоидалар айнан такрорланарди. Сайловлар яккапартиявийлик асосида ташкил этилиб, бутун сайлов жараёни коммунистик партия органлари томонидан бошқарилар эди. Ҳар бир округдан юқоридан белгиланган номзод депутатликка сайланарди. Юқори партия ва давлат органларининг раҳбарларини, қандай йўл билан бўлмасин, депутатликка сайлаш, ўз ваколатини амалга оширишга қодир бўлмаган, фақат қўл кўтариб тасдиқлашни қойиллатадиган ишчилар ва деҳқонларни, зарур ҳолларда сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириб бўлса-да, депутатликка ўтказиш “қонуний” тус олган. Айниқса, 70-80 йилларда халқнинг сайловга бўлган қизиқиши пасайиб кетди. Сайловларда фуқароларнинг шахсан овоз беришда қатнашмаслиги, бир неча киши учун бир кишининг овоз бериши, сайлов комиссиялари томонидан сайлов бюллетнеларини сохталаштириш кабилар оддий бир ҳолга айланган. Депутатларнинг ўз сайловчиларига ҳисоб бериб туриши хўжақўрсингагина ўтказиладиган тадбирга айланган эди.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритиши муносабати билан сайлов ҳуқуқини ривожлантиришнинг янги даври бошланди. Сайлов қонунчилиги ҳозирги кунда такомиллашув жараёнини бошдан кечирмоқда, унинг мукамал бўлиши учун етакчи демократик мамлакатларнинг тажрибасидан ижобий жиҳатлари олинмоқда. Ҳар қандай қонун учун энг асосий нарса уни амалиётга тадбиқ этиш механизмидир. Шунинг учун қабул қилинаётган қонунларнинг мазмуни билан бирга амалга киритиш механизмларини ҳам мукамал даражада такомиллаштиришимиз лозим. Бунда миллий давлатчилигимиз тарихий хусусиятлари ва сайловларни ўтказишда илгари тўпланган ижобий тажрибага суяниш, йўл қўйилган нуқсонларни такрорламаслик, илғор жаҳон тажрибаси ҳамда демократия тамойиллари устиворлигига эришиш ғоят маъсулиятли вазифадир.

Сайлов жараёни тамойиллари – бу сайлов қонунчилигининг шаклланиш жараёни, ривожланиши ва ҳаракатланишининг раҳбарий ғояси, ибтидо қоидаси, етакчи меъзонидир. Ҳорижий мамлакатларда ва республикамизда сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари бўлиб бевосита конституцияда белгиланган умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш ҳисобланади. Мазкур тамойиллар қонунчилигимизда ўз аксини топган бўлиб, уларнинг амалга оширилишини ҳуқуқий механизмлари мамлакатимизда фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш имкониятини яратишга қаратилгандир.

Умумий сайлов ҳуқуқи тамойилида - ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ мавқеи, ирқӣи ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатидан қатъий-назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бевосита 18 ёшга тўлганда сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Айрим фуқаролар суд томонидан муомолага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.

Тенг сайлов ҳуқуқи тамойилида ҳар бир фуқаро-сайловчи бир овозга эга. Сайловда ҳамма тенг асосларда қатнашади. Ҳар бир сайловчи овоз бериш учун фақат битта рўйхатга киритилади. Сайловда ҳар бир мандат учун сайловчилар сони тенг асосда бўлинади. Сиёсий партия ва ташаббускор гуруҳларга сайлов олди ташвиқот юритиши тенг асосда ташкил этилади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи тамойили бевосита сайловчилар томонидан сайланадиган номзодга овоз бериш тушунилади, бунда сайловчи ва номзод ўртасида ҳеч қандай воситачиларга йўл қўйилмайди. Фуқаролар ўз эрки-иродасини бевосита ўзлари ифодалашлари қонунчилигимиз билан қафолатланади.

Яширин овоз бериш тамойили - сайловчининг иродасини билдириш устидан назорат қилишга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетени овоз берувчи

томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларни ҳозир бўлиши тақиқланади.

Жаҳон мамлакатлари тажрибасида сайловларни ташкил қилиш ва уни ўтказишни амалга оширилишида ҳозирги даврда маълум бир тажрибаларга эришилди. Бунинг натижасида сайлов ўтказишнинг демократик принциплари аниқланиб, барча давлатларнинг сайлов тўғрисидаги қонунларида ўз аксини топди.

1.2. Конституциявий давлат тузумига мос бўлган сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг яратилиш принципи

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органларининг ташкил топиши халқнинг бевосита иштирокида амалга оширилади. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Уни амалда тадбиқ этилиши унинг иштирокини таъминланиши билан ҳал этилади. Шунинг учун ҳам сайлов тизими қонунда белгилаб қўйилган тартибда, сайлаб қўйган вакиллари орқали белгиланади. Сайлов ҳуқуқи ҳам қонунлар ва давлат ҳокимият органлари орқали таъминланиши кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ўз халқининг хохиш иродасини ифода этади. Конституцияда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги принципи турли хил шаклларда амалга оширилиши мумкин. Лекин унинг замирида инсон ҳуқуқи ётади, яъни инсон қадри олий неъмат деб тан олинади.

Франция демократик Республикаси Конституциясининг тўртинчи қисм, 3-моддасида сайлов ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлиб, ирқи-жинси ва миллатидан қатъий назар республика фуқароларининг воёга етганлари сайлов ҳуқуқига эгадирлар, деб белгиланган. 1857 йилдан бошлаб такомиллаштирилиб келинган “Сайлов кодекси”нинг 2-моддасига мувофиқ, сайловчилар - 18 ёшга етган сиёсий ҳуқуқларга ва муомала лаёқатига эга бўлган француз фуқароларидир⁷.

⁷Д.Ахмедов, Ш.Асадов Сайлов ҳуқуқига оид изоҳли луғат. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – 40 б.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ҳозирги ривожланиш босқичида ўзини демократик давлат деб эълон қилган мамлакатларда сайлов ўтказишнинг асосий принципларидан бири ҳисобланган тенг сайлов ҳуқуқнинг кафолатланиши конституциявий тузум негизини ифода этади.

Сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишда қонун устиворлигига эришиш принципи.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолият принциплари уларни ташкил этилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Олий Мажлис ва маҳаллий давлат ҳокимияти кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонунларга асосланиб, давлат мустақиллигини қўлга киритиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини демократик принципларга мос равишда, ўз халқининг бой маданий-маънавий меросига таянган ҳолда қайтадан ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимият органларини ташкил этиш принциплари унинг халқининг олдида турган келажак истиқболларини ифодалайди ва унинг мақсад, вазифаларини белгилаб беради. Шу жиҳатдан мамлакатимизда амалга оширилаётган сайловлар конституция ва у асосида қабул қилинган қонунчиликнинг устиворлиги сўзсиз тан олинishi эътироф этилган.

Хорижнинг ривожланган демократик давлатларида сайловларнинг ўтказилиш принциплари ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, халқ ҳокимиятчилиги ёки миллат ҳокимиятчилиги принципларининг амалга оширилиш шаклини намоён этади.

Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда қонун устиворлигига эришиш принципи хориж сиёсий амалиётида асосан жамоатчилик назоратига таянади ва бунга ошкоралик принципи орқали эришилади. Бу масаланинг бир томонини очиб берсада, аммо бу принципнинг мазмунини ёритиб беришда

асл моҳиятини бермайди.

Сайловларни ўтказилишида қонун устиворлигининг сўзсиз тан олиниши принципини асл моҳияти унинг натижасида реал ҳуқуқий демократияга эришишилишида намоён бўлади.

Сайлов жараёнида, унинг иштирокчиларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиш принципи.

Сайлов жараёнида ҳар қандай давлат, ва жамиятда эркин тафаккур, фикрларнинг хилма-хиллиги, одамларнинг ҳоҳиш-иродасини, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар, шу билан бирга сиёсий ҳаракатлар ва кучларнинг интилишлари, айниқса яққол намоён бўлади.⁸ Сайлов жараёнида бошланишини эълон қилиш ва уни ўтказилишини таъминлаш ҳамма давлатларда Конституция ва қонунлар билан белгиланади. Бу эса ўз-ўзидан равшанки, унинг иштирокчиларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши демакдир.

Дунёнинг барча мамлакатларида сайловларни ўтказилишида унинг иштирокчиларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиш принципини тўғри амалга оширилиши мамлакат ривожининг гарови бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун номзод ва сайловчи ўртасидаги муносабатларнинг демократиявийлиги муҳим аҳамият касб этади. Ҳар икки томон учун ҳам Конституцияда тенг имкониятлар ва ўзларини намоён этиши белгиланган бўлиши лозим.

Мазкур принципни амалиёти учун мамлакатимизда етарли шарт шaroитлар мавжуддир, яъни сайлов жараёни билан боғлиқ бўлган барча ҳолатлар қонунчилигимиз билан белгиланган. Унда ҳар бир сайловчи, номзод ва кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари аниқ

⁸О.Турғунов, И.Беков Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунига шарҳ. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – 53 б

белгиланган бўлиб, уларга эркин фаолият юритишлари учун имкониятлар яратилади.

Сайлов тизимининг халқчиллиги принципи.

Сайлов тизимининг халқчиллиги, барча фуқаролар учун тушунарли ва қулай бўлиши. Сайловлар фуқароларга уларнинг ўз хоҳиш иродасини эркин ифодалаш имкониятини яратади. Мавжуд сиёсий амалиёт миллий ва тарихий хусусиятларимиз ҳамда имконияларимиздан келиб чиқади.

Демократиянинг энг муҳим принципи – давлат ҳаётида иштирок қилишга, ўз давлатини бошқаришга, давлат хизматини ўташга тобора кўпроқ фуқароларни мунтазам жалб қилишдир. Мазкур принципнинг амалга оширилиши дастлаб сайловларни қай даражада ўтказилиши билан боғлиқдир.

Сайловда барқарорлик, ҳаққонийлик, юксак маънавият ва инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниш принципи.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар ва тадбирлар аҳолига нормал ҳаёт тарзини таъминлаш ҳамда сиёсий плюрализмни ривожлантиришга қаратилгандир. Сайловларда ҳаққонийликка эришиш барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари таъминланишининг кафолати ҳисобланади.

Давлат бошлиғи ва қонунчилик органи парламент тинчлик, барқарорлик ва ҳаққонийлик рамзидир ҳамда ҳар қандай демократик жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафилидир.

Сайловнинг уюшқоқлигига эришиш принципи.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида “Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир” деб белгиланган. Мазкур норманинг ҳаётга тадбиқ этилиши асосан Конституциянинг 60-моддасида назарда

тутилган тартибда; сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Бу конституциявий норма энг аввало сайловнинг оммавий уюшқоқлик билан ўтказилишида фуқароларга кенг эркинликлар беради. Мазкур ўзгаришларнинг муҳим жиҳати шундаки, кишилар авваламбор ўз кучига суяниб ўз тақдирини, оиласи келажагини ўзлари белгилайдиган бўлмоқдалар, ҳаётимизни демократлаштириш жараёнларини онгли равишда қабул қилмоқдалар.

Сайлов тизимининг тежамли ўтказилишига эришиш принципи.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сайловларда қилинадиган сарф ҳаражатлар давлат бюджетидан қопланади. Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини ихтиёрий равишда сайлов ўтказиш учун беришлари мумкин. Бу маблағларни марказий сайлов комиссияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади, деб белгиланган. Бу эса сайловни тенглик принципида ўтказилишини таъминлайди. Ҳамма сайловда ортиқча дабдабабозликларнинг бўлишига чек қўяди ва бошқа манбаалардан келиб тушадиган маблағларни ҳаражат қилиниши тежамли бўлади.

Овоз бериш ва сайланишнинг зиддиятсизлиги ҳамда натижаларнинг ошкоралиги.

Республикамиз қонунчилиги барча сиёсий кучларга ўз имкониятлари доирасида эркин фаолият юрита олиш шарт шароитларини яратиб беради. Ҳар бир партия ёки сиёсий кучлар қонунлар доирасида сайловчилар овози учун тарғиботлар орқали курашишларига имкониятлар яратилган.

⁹О.Турғунов, И.Беков Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунига шарҳ. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – 59 б

Жамият ва алоҳида олинган шахс ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий мезонини ўрнатилиши натижасида унинг иштирокчиларига ўзини намоён этиши учун ҳар бирининг ҳаракат доираси ўзига хос ва мос равишда белгиланган. Бу эса улар ўртасидаги муносабатларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида ўзаро келишмовчиликларга барҳам беради.

1.3. Сайлов ҳуқуқи-фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқи сифатида

Давлат ҳокимияти органларини шаклланишида бирламчи омил ҳисобланган сайлов усули орқали, ҳокимият тизимини вужудга келтириш ва ривожлантириш қонуниятлари, уларнинг тадрижий ўзгариши ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш олимларнинг асосий диққат марказида бўлиб келган. Янгича жамиятни шакллантириш янгича тамойиллар асосида амалга оширилади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Яхши биламизки, демократия, демократик жамиятнинг бош талаби –бу одамларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлашдан иборат. Энг муҳими, сайловлар халқимизни пароканда ва бир-бирига қарши қилишга эмас, балки элу юрт манфаати йўлида янада бирлаштиришга хизмат қилиши зарур”.⁷

Ҳар қандай жамиятда демократик сайловлар тараққиётга янги куч берувчи омил бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда янгича сайловларни ўтказилиши ўзига хос бўлган даврга тўғри келмоқда. Яъни, бу – тубдан янгича, мустақил ўзбек давлатчилиги пайдо бўлган ва ривожланаётган, асосий эътибор халқ фаровонлиги, осойишталигини таъминлашга қаратилган, эркин фуқаролик жамияти яратилаётган даврдир. Шуниси диққатга сазоворки, бу давр Ўзбекистонда ўзига хос шарқ ва ғарб демократияси тажрибалари уйғунлашган демократик жараён шакллангани билан ажралиб туради. Бунда шарқ демократиясидаги инсонни улуғвор билиш, реал шарт-шароитдан келиб чиқиб ҳаракат қилиш, масъулият ҳис этиш ва фидоийлик кўрсатиш каби қадриятлар, ғарб демократиясининг ошкоралик, ўз-ўзини танқид қилиш, тадбиркорлик сингари жихатлари кўзга ташланади.

Сайлов ҳуқуқи ҳақида гап кетганда одатда уни аспектларини иккига

¹⁰римов И.А. “Мен ўзимни нафақат ўзбек халқининг , балки қорақолпоқ халқининг ҳам фарзанди деб биламан” .Қорақолпоқ Рееспубликаси сайловчилар вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқидан. 1992 йил 2 декабрь.

ажратишади: яъни булар объектив сайлов ҳуқуқи ва субъектив сайлов ҳуқуқи. Булардан биринчиси - сайлов ҳуқуқи нормалари тизими яъни асосини ташкил қилувчи принциплари, тизимлари, тартиби, жарёни ва сайловни ташкил қилиш ва бошқаларни ўз ичига қамраб олади. Иккинчиси - давлат томонидан маълум бир шахсни сайловда қатнашишини (пассив сайлов ҳуқуқи ёки актив сайлов ҳуқуқи) таъминланишини кафолатланишидир.

Сайлов ҳуқуқи энг муҳим сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш имкониятини ҳам беради. Фуқаролар томонидан уларнинг сайлов ҳуқуқларининг ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширилиши уларнинг давлат бошқарувида иштирокининг энг муҳим шаклларида бири ҳисобланади.

Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши, эркин ҳамда чинакамига ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асоси эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқи кўпгина халқаро ҳужжатларда⁸, жумладан ЕХХТ нинг Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатида ҳам таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида шундай дейилади: “Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш

¹¹1948 йилги Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясининг 21- моддаси, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25- моддаси.

хуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуктаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш хуқуқига эга”.⁹

Демак, фуқаролар ўз сиёсий хуқуқларини амалга оширар эканлар албатта қонунларга сўзсиз риоя этишлари, шу асосда ўз хуқуқларини жойларда амалга оширишлари мумкин. Фуқароларнинг сиёсий хуқуқларини давлат томонидан чекланиши, фақатгина қонунлар доирасидан четга чиқиш ҳолатлари кузатилган вақтда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш хуқуқига эгадирлар.¹⁰

Францияда сайлов муносабатларини хуқуқий жиҳатдан тартибга солидигн махсус Сайлов Кодекси қабул қилинган.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас. Бу тамойил Конституциямизнинг 34-моддасида ўз аксини топган. Бундан шу нарса кўриниб турибдики, ҳар бир фуқаро ҳоҳлаган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлишлиги ва ундан ҳоҳлаган вақтда чиқиб кетишлари мумкин.

¹²Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.: Т.Ю.Ю.И.- 2005 545 б.

¹³Ўзбекистон Республикасининг конституциявий хуқуқи фанига схемали ўқув-методик қўлланма / Сўз боши А.А.Азизхўжаев; Тузувчилар: О.Хусанов, Х.Азизов ва бошқ. –Т.: Шарқ, 2001. –128 б.

II боб. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий сайлов қонунчилигимизда акс этиши

2.1. Халқаро сайлов принципларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигида акс этиши

Сайлов ҳуқуқи – сайлов қонунчилигидан кенгроқ тушунчадир.

Сайлов ҳуқуқи – бу ҳуқуқнинг комплекс соҳаси бўлиб, конституциявий ҳуқуқ нормаларидан ташқари, маъмурий, жиноий ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларини ўз ичига олади. Сайлов ҳуқуқининг ривожланиши ўзбек миллий ҳуқуқий тизимининг тараққиёт қонунларига тўла мос келади.

Ҳозирги замон Ўзбекистон сайлов қонунчилиги халқаро андозаларга тўла мос келади. Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг энг биринчи ва асосий хусусияти – бу унинг умум эътироф этилган халқаро андозаларга мослигидир.

Сайловлар тўғрисидаги қонунларда яна бир қатор ўзига хос хусусиятлари бор. Улар халқаро стандарт ва меъёр талабларга тўлиқ жавоб беради.

Сайловлар бўйича халқаро тамойиллар қуйидагилар.

Биринчиси, умумийлик тамойили дейилганда ҳам сайловчилар учун, ҳам номзодлар учун камситишлиқдан ҳоли бўлган самарали, ғаразсиз қайд этишлик тушунилади. Ёши етган фуқаролар сайловларга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишлари лозим. Бу ҳуқуқларнинг *de facto* фуқароларга алоқадорлиги қўллаб-қувватланади.

Иккинчиси, тенглик тамойили барча овозлар тенг ваколатни таъминлаш учун тенг салмоққа эга бўлишини талаб этади. Бу ҳол овоз беришнинг мажоритар тизимида турли сайлов округларидаги сайловчилар миқдори орасидаги фарқ 10% дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Пропорционал вакиллик тизимида сайлов участкаларидаги сайловчилар миқдори турлича бўлиши мумкин, лекин ҳар бир округдан вакиллар миқдори сайловчилар миқдорига пропорционал бўлиши керак. Сайловчилар сайлов участкаларида

тенглик ва самарали асосда бўлишлари лозим.

Учинчиси, Адолатлилик тамойили сайлов жараёни барча қатнашчилари учун тенг шароитларни, лекин камида, у сайловчиларни барча номзодлар ва уларнинг программалари хусусидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаши керак.

Тўртинчиси, яширинлик тамойили шу вақтга таъминланиши мумкин, қачонки, фақат сайловчилар бюллетенни ташлаш ёпиқ хонада, тўлдирилган бюллетен сайлов қутисига ташланиш жараёнида кўриб қолинмайдиган шароитда ташланган тақдирдагина таъминланган бўлиши мумкин.

Бешинчиси, эркинлик тамойили фуқароларга ўз сайлашлигини қўрқув туфайли амалга оширмаслиги, шунингдек уларнинг ўзининг намоён этиши, йиғинлар ва ассоциацияларда қатнашиш эркинлиги ҳуқуқи бутун сайлов жараёни мобайнида амал қилинишига бўлган ишончни таъминлаш лозим.

Олтинчиси, ошкоралик тамойилида барча учун умумий ва ошкоралик тамойиллари асосида қонунга мувофиқ тарзда сайловлар ўтказишни кўзда тутуди. Ошкора жараён сайлов вақтида алдашлик имкониятларини чеклайди; шундай қилиб, овозларни санаш сайлов участкаси даражасидан бошланиб, сайлов комиссияси ўрта бўғинида давом этиб давлат сайлов ҳокимиятида тугаллангунча ошкора ва тасдиқлай олинмайдиган бўлиши шарт.

Еттинчиси, маъсуллик тамойили барча сайланувчилар ўзлари сайланган лавозимни эгаллар эканлар, сайловчилар олдида ўз масъулиятларини тан олишлари лозим.

Сайлов ҳуқуқи тамойиллари – бу сайлов қонунчилигининг шаклланиш жараёни, ривожланиши ва ҳаракатланишининг раҳбарий ғояси, етакчи мезонидир.

Республикамизда сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари бўлиб бевосита конституцияда белгиланган умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш ҳисобланади. Мазкур тамойиллар қонунчилигимизда ўз

аксини топган бўлиб, уларнинг амалга оширилишини ҳуқуқий механизмлари мамлакатимизда фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш имкониятини яратишга қаратилгандир.

Умумий сайлов ҳуқуқи тамойида ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатидан қатъий-назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бевосита 18 ёшга тўлганда сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Айрим фуқаролар суд томонидан муомолага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Чунки бундай шахслар ўз хатти-ҳаракатлари тўғрисида ўзларига ҳисоб бера олмайдилар ва сайловларда қатнашиш ҳуқуқидан онгли равишда фойдалана олмайдилар. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ажнабий фуқаролар сайловларда қатнашиш ва вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Тенг сайлов ҳуқуқи тамойида ҳар бир фуқаро-сайловчи бир овозга эга бўлиши тушунилади. Сайловда ҳамма тенг асосларда қатнашади. Ҳар бир сайловчи овоз бериш учун фақат битта рўйхатга киритилади. Сайловда ҳар бир мандат учун сайловчилар сони тенг асосда бўлинади. Чунки, ҳар бир округдан битта депутат сайланади. Сайловда барча сайловчиларнинг тенг асосда қатнашуви сайлов округларининг уларда яшовчи фуқаролар сонига тенг қилиб ташкил этилиши билан ҳам таъминланади. Сиёсий партия ва ташаббускор гуруҳларга сайлов олди ташвиқот юритиши тенг асосда ташкил этилади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи тамойили бевосита сайловчилар томонидан сайланадиган номзодга овоз бериш тушунилади, бунда сайловчи ва номзод ўртасида ҳеч қандай воситачиликка йўл қўйилмайди. Фуқаролар ўз эрки-иродасини бевосита ўзлари ифодалашлари қонунчилигимиз билан қафолатланади. Сайловчилар ўз номзодларига сайлов вақтида бевосита ёки

карши овоз беришлари мумкин. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқининг ижобий тарафларидан бири, сайлов тартибида давлат ҳокимиятининг ҳамма сайланадиган органлари бевосита халқ томонидан ташкил этилган вакиллик органлари ҳисобланади.

Яширин овоз бериш тамойили - сайловчининг ўз ҳошиш иродасини билдириш устидан назорат қилишга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўдириш вақтида овоз берувчидан бошқа барча шахсларни ҳозир бўлиши тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенат аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Ҳар қандай мамлакатда мавжуд сайлов тизими бир-бирига зид бўлмаган тамойиллар ва аниқ талаблар асосида қурилиши лозим. Сайлов тизими тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Сайлов тизимининг конституцияга мувофиқлиги;
- Давлат ҳокимиятининг қонунийлиги;
- Сайлов тизими талабалари ва вазифаларининг ҳуқуқий таъминланганлиги;
- Демократизм;
- Сайлов тизимининг барқарорлиги;
- Сайлов тизимининг халқчиллиги;
- Сайлов тизимининг уюшганлиги;
- Сайлов тизимининг тежамли бўлишли;

-Овоз беришнинг ва сайланишнинг зиддиятсиз, унинг натижаларини олиш учун ҳуқуқий кафолат яратилганлиги;

¹²Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.: Т.Ю.Ю.И.- 2005 525б.

Хулоса

Сайлов ҳуқуқининг ривожланиши ва унинг қўлланилиши бу демократик ислохотларнинг таркибий қисми сифатида қаралмоғи керак. Ўтган даврда нафақат сайлов қонунчилигимиз ўзгарди, ривожланди, балким сайлов тизимининг асосий «фигураси» сайловчи, онги, руҳияти ўзгарди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги сайлов қонунчилиги тизими яратилди.

Сайлов қонунчилигимизнинг асосий мақсади: самарали, ишчан вакиллик органларини сайлаш ва юқори фуқаролик туйғуси ва ҳуқуқий маданиятга эга сайловчиларни шакллантиришдир. Сайлов жараёнларимизни амалга оширишда қуйидаги асосий ҳуқуқий манбалардан фойдаланамиз. Буларга, Ўзбекистон Республикаси “Президенти сайлови тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги, ”Халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги , ”Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлардир.

Ўзбекистон Республикасида Республика Президенти лавозимига, Республика Олий Мажлисига ва бошқа вакиллик органларига сайловларни тайёрлаш ва уни ўтқозиш очик ва ошкоралик асосида амалга оширилади. Сайловлар ошкоралик припнципи асосида ўтқазилишини билдирувчи яна бир нарса – сайловчиларнинг Республика Президентлигига кўрсатилган номзодларни ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгалигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги сайловларни ўтқозиш аниқ қилиб белгилаб берилди. Ушбу органлар ваколат муддати тугайдиган

Йилнинг декабр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси сайлов ўтказиладиган кун деб эълон қилинди. Якшанба кунининг белгиланиши, деярли барча сайловчиларнинг ўз хонадонларида бўлишлиги ҳамда улар учун дам олиш кунининг қулайлиги ҳисобга олинган. Бундай сананинг белгиланганлигини кўплаб ривожланган давлатлар миқёсида ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, Германияда бундай ҳолатни кузатишимиз мумкин. Агар, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов муддатлари бир пайтга тўғри келиб қолган тақдирда, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ваколат муддати бир йилга узайтирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1– жилд. “Ўзбекистон”. 1996 йил.–112 б.
- 1.2. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т. “Ўзбекистон”. 2002.–154 б.
- 1.3. И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. –Т.:”Ўзбекистон”. 2000.–25 б.
- 1.4. Каримов И.А. Янгича ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайдими. “Халқ сўзи” 2005 йил 18 февраль.
- 1.5. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари–энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 10 декабр.
- 1.6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 255 б.
- 1.7. И.А. Каримов. Адолатли жамият сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998.–96 б.
- 1.8. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. –Т.:»Ўзбекистон”, 1999.–25 б
- 1.9. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий–ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари. Т.:Ўзбекистон. 1995. – 36 б.
- 1.10. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий–ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари. Т.:Ўзбекистон. 1995.24–25 б
- 1.11. Каримов И. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.Т.: “Ўзбекистон”.2002. –4 б.

II. Норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар

- 2.1. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: Ўзбекистон. 18.11.1991.
- 2.2. “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1994, №5, 127-модда.
- 2.3. Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари. – Т.: Ўзбекистон. 2005. Б.137.
- 2.4. Жамоат фондлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 527-ИИ-сон Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 141-модда
- 2.5. “Марказий сайлов камиссияси тўғрисида” (1999йил) ги қонуни

Ш.Асосий адабиётлар

- 3.1. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). А.Азизхўжаев, О.Хусанов, Х.Азизов. – Т: Академия, 2001.- 260 б.
- 3.2. Таджихонов У. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Дарслик.Т.: Шарқ.- 432 б.
- 3.3. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.: Молия.- 2002 645 б.
- 3.4. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.: Т.Ю.Ю.И.- 2005 345 б.
- 3.5. Турғунов О.К.,Зулфиқоров Ш.Х. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатлари. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. –94 б
- 3.6. Турғунов О.К.,Зулфиқоров Ш.Х. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатлари. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. –94 б
- 3.7. О.Турғунов, И.Беков Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунига шарҳ. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – 53 б
- 3.8. Гулом Мирзо, Садриддин Хидиров. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва оммавий ахборот воситалари. Рисола. – Т.: ТДЮИ, 2005.- 167 б
- 3.9. Жаҳон Конституциялари (Жаҳон давлатлари Конституциялари тўплами, 1–жилд). Тузувчилар: У.Тожиқонов, А.Х.Саидов. Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001 й.
- 3.10. Аюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ИИВ Академияси, 1997 й..
- 3.11 Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). А.Азизхўжаев, О.Хусанов, Х.Азизов. – Т. “Академия”, 2001 й..
- 3.12 Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси: сохта парламентдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т. 2000 й

V. Қўшимча адабиётлар

- 4.1. Азизхўжаев А.А. "Конституциявийлик тамойиллари ва кафолатлари"
Т.: Халқ сўзи 2002 й 26 ноябрь
- 4.2. И.Р.Беков, Ш.А.Аббосхўжаев Сиёсий партиялар ва Президент сайлови. –
Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. –50 б
- 4.3. Гулом Мирзо, С.М.Хидиров. Президент сайлови ва оммавий ахборот
воситалари. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. –55 б
- 4.4. Д.Ахмедов, Ш.Асадов Сайлов ҳуқуқига оид изоҳли луғат. –Т.: ТДЮИ
нашриёти, 2007. – 40 б.
- 4.5. Саидов А.Х. Избирательное право в Республике Узбекистан: вопросы
реформы, законодательство и зарубежный опыт. – Т.: "Узбекистан", 1993
- 4.6. Саидов А.Х. Қиёсий конституцияшунослик. Ўқув қўлланма. Тошкент.
ИИВ Олий мактаби, 1993.
- 4.7. Азизхўжаев. А..А. Давлатчилик ва маънавият. / Масъул муҳаррир
О.Т.Хусанов/. – Т.: Шарқ, 1997.
- 4.8. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик
ва ижроия ҳокимияти органлари, -Т., Университет, 1994 г.
- 4.9. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи фанига схемали
ўқув-методик қўлланма/ Сўз боши А.А.Азизхўжаев; Тузувчилар: О.Хусанов,
Х.Азизов ва бошқ. –Т.: Шарқ, 2001. –128 б.

V. Web Resurslar

5.1.<http://www.yuridit.ru>

5.2.<http://www.allpravo.ru>

5.3.<http://pravo.uz>

5.4.<http://uza.uz>

5.5.<http://lex.uz>

5.6.<http://gov.uz>

5.7.<http://www.troek.net/zakaz.htm.ru>

5.8.<http://www.lawbook.ru>

5.9.<http://www.books.ru>

5.10.<http://www.bookz.ru>

5.11.www.superbaza.ru